

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ХОЛТУРАЕВА ГУЛНОЗА МИРКАМИЛОВНА

ДИАРЕЯДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МУРАККАБ ТАРКИБЛИ ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of philosophy dissertation (PhD)

Холтураева Гулноза Миркамилловна Диареяда қўлланиладиган мураккаб таркибли дори воситаларини стандартлаш	3
Холтураева Гулноза Миркамилловна Стандартизация многокомпонентных лекарственных средств, применяемых при диарее.....	21
Kholturayeva Gulnoza Mirkamilovna Standardization of multicomponent medicines used for diarrhea	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ХОЛТУРАЕВА ГУЛНОЗА МИРКАМИЛОВНА

ДИАРЕЯДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МУРАККАБ ТАРКИБЛИ ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2025

The title of the dissertation of doctor of philosophy (PhD) on pharmaceutical sciences has been registered by the Supreme Attestation Commission at the Ministry of Higher Education, Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan with registration number B2022.1.PhD/Far93

The dissertation has been prepared at the Tashkent Pharmaceutical Institute.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) on the website of the Scientific Council (www.pharmi.uz) and on the website of «ZiyoNet» information and education portal: www.ziyo.net

Scientific supervisor: **Ganiyeva Khilola Gayratovna**
Doctor of Pharmaceutical Science, Docent

Official opponents: **Yuldashev Zakirdjan Abidovich**
Doctor of Pharmaceutical Science, Professor
Nuridullayeva Kamola Negmatilloevna
Doctor of Pharmaceutical Science, Docent

Leading organization: **A.S. Sadykov Institute of Bioorganic Chemistry of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan**

Defense will take place on «10» 12 2025 at 15⁰⁰ at the meeting of the Scientific Council DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 at the Tashkent pharmaceutical institute (address: 100015, Tashkent city, Mirabad district, Aibek st. 45. Phone.: ((+99871) 256-37-38, fax: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

The dissertation has been registered at the Information Resource Centre of the Tashkent pharmaceutical institute (№ 80). Address: 100015, Tashkent city, Mirabad district, Aibek st. 45. Tel.: ((+99871) 256-37-38.

Abstract of the dissertation is distributed on «05» 11 2025.
(Protocol at the register № 80 dated «05» 11 2025).



K.S. Rizaev

Chairman of the Scientific council on conferment of scientific degrees, D.M.Sc.

Yo.S. Karieva

Scientific secretary of the Scientific council on awarding academic degrees, D.Pharm.Sc., Professor

F.F. Urmanova

Chairman of the scientific seminar under Scientific council on conferment of scientific Degrees, D.Pharm.Sc., Professor

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) эксперт комиссиясининг 2024 йилдаги диарея касалликлари бўйича берган маълумотларига кўра дунё миқёсида ушбу касаллик 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг сабаблари бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Ҳар йили 1,7 млрд болаларда диарея қайд этилади ва йилига 5 ёшгача ва 5 дан 9 ёшгача бўлган болалар орасида мос равишда 400 минг ҳамда 50 мингдан ортиқ ўлим ҳолатлари кузатилади. Шу муносабат билан диареяда инсон танасидаги сувсизланишни олдини олиш ва даволаш учун регидратацион тузли эритмаларни кенг қўламда қўллаш, ассортиментини кенгайтириш, уларни стандартлашда замонавий, сезгир, унифицирланган таҳлил услубларини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида диареяда қўлланиладиган мураккаб таркибли дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, валидациялаш ва уларнинг назоратида қўлланиладиган мавжуд аналитик таҳлил услубларини қиёслаш, кўп компонентли тузли эритмаларнинг барқарорлиги ва сақлаш муддатларини белгилаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида перорал регидратацион эритмаларнинг сифатини комплекс баҳолаш тизимларини такомиллаштириш, ушбу препаратлар таркибидаги фаол моддаларни таҳлил қилишнинг муқобил услублари ва янги таҳлил услубларининг «яшил»лик даражасини аниқлаш ҳамда фармацевтик корхоналарда сифатни таъминлаш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда бугунги кунда маҳаллий фармацевтика саноатини инновацион ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи дори воситаларни ишлаб чиқиш ва уларни сифатини халқаро меъёрий ҳужжатларга мослигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг иккинчи иловаси 85-бандида «фармацевтика саноатини маҳсулотлари ҳажмини 3 баробар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80% етказиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, сув-туз ҳамда кислота-ишқор мувозанатини таъминловчи тайёр эритмалар номенклатурасини кенгайтириш, усулнинг ишчи параметрларини сифатини текширишда Шухарт назорат карталари каби самарали усуллардан фойдаланиш, ушбу дори воситаларни халқаро ICH (The International Conference on Harmonisation) талабларига мувофиқ стандартлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «2022-2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-55-сон, 2024 йил 23 январдаги «Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-20-сон фармонлари, 2022 йил 26 октябрдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони

«Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-411-сон, 2024 йил 10 январдаги «Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-14-сон қарорлари ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада мураккаб таркибли тузли эритмаларни корхона шароитида сифатини таъминлаш, уларни стандартлаш ва сифатини назорат қилиш, янги аналитик таҳлил услубларини валидациялаш, маҳаллий фармацевтика бозори динамикасини ўрганиш ва клиник олди синовларини ўтказиш бўйича Қ.А.Убайдуллаев, А.Н.Юнусходжаев, Х.Г.Ганиева, М.У.Асилова, Э.И.Мусабаев, А.Н.Набиев, Э.Р.Касимов, А.Д.Тошпўлатова, Р.А.Хусаиновалар каби ўзбек олимларининг илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё микёсида перорал регидратацион тузларининг технологияси, замонавий таҳлил услубларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва валидациялаш, осмолярлигини ўрганиш, мураккаб таркибли эритмаларнинг яроқлилиқ муддатини ўрганиш бўйича хорижлик олимлардан K.N. Kumar, M. El-Mougi, A.S. Zaky, S. Hahn, C.L. Fischer, T. Kaleemullah, L.Y. Luo, N. Simonzadeh, R. Dittakavi, F.P. Pereira, P.M. Deshmukhe, M. Redkar, R. Primaharinastiti, A.M. Gracia-Alegria, A. Rahayu, P.H. Patel, B. Robberstad, O. Fontaine, J.L. Mathew, D.U. Kim, J.H. Lee, Ю.А. Кузьмина, И.А. Емельянова, А.В. Костарной, В.П. Георгиевский, Е.А. Белозерцева, Г.Б. Голубицкий, И.В. Сакаева, И.А. Емельянова, О.С. Крамарев, М.К. Бехтерева, Е.Г. Цимбалова, А.Е. Абатурова, Л.Н. Мазанькова, В.Ф. Учайкин кабиларни илмий тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади.

Мазкур диссертация иши мураккаб таркибли ичиш учун мўлжалланган сув-туз ҳамда кислота-ишқор мувозанатини таъминловчи дори воситаларини ишлаб чиқаришда сифатини таъминлаш, уларни стандартлаш, таркибидаги компонентлар таҳлилинини унифицирланган услубларини ишлаб чиқиш ва мавжудлари билан қиёслаш ҳамда барқарорлиги ва осмолярлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти «Фармацевтик ва токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади диареяда қўлланиладиган мураккаб таркибли перорал регидратацион дори воситаларини сифатини назорат қилишнинг мавжуд

услугларни такомиллаштириш ҳамда янги таҳлил услубларини ишлаб чиқиш, стандартлаш ва валидациялашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

дори воситаларининг сифатини баҳолаш ва стандартлаш соҳасидаги сўнгги беш йилдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорини мураккаб таркибли тузли эритмалар бўйича замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

«Орокс» ва «Регидрейд Рух» дори воситаларини таркибидаги фаол моддаларни юқори самарали суяқлик хроматографияси (ЮССХ) усулида миқдорини аниқлашнинг мақбул шароитлари ва унифицирланган услубларини ишлаб чиқиш ҳамда услубнинг «яшил»лик даражасини (Analytical GREENness) баҳолаш;

алангали атом эмиссион (АЭС) ва атом абсорбцион спектрофотометрик (ААС) усуллари ёрдамида перорал регидратацион эритмалар таркибидаги натрий ва калий ионларини чинлиги ва миқдорини аниқлаш услубларини такомиллаштириш, статистик кўрсаткичлар асосида Шухарт (Shuchart) назорат карталари ёрдамида лабораториядаги сифат назорати жараёнларини шарҳлаш;

перорал регидратацион эритмалар сифатини таъминлаш борасида The International Conference on Harmonisation (ICH) Topic Q2 (R1) Validation of Analytical Procedures: Text and Methodology кўрсатмаси асосида аналитик услубларнинг валидациялаш;

мураккаб таркибли регидратацион эритмаларнинг осмолярлиги ҳамда барқарорлиги ва яроқлилик муддатини белгилаш;

тадқиқот натижаларни умумлаштириш ҳамда такомиллаштирилган янги таҳлил услуби бўйича фойдали моделга патент олиш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига ҳамда перорал регидратацион эритмаларни тиббиёт амалиётида қўллаш, ишлаб чиқишга рухсат олиш учун корхона фармакопея мақоласини ишлаб чиқиш ва ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасига тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида натрий хлор, калий хлор, глюкоза, сорбитол, рух сульфат, натрий цитрат субстанциялари, «Орокс» ва «Регидрейд Рух» ичиш учун регидратацион эритма дори воситалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети перорал регидратацион эритмалар учун селектив усулларни танлаш, сифат назорати таҳлилида ягона ёндашувни шакллантириш ва муқобил услубларни ишлаб чиқиш, стандартлаш, яроқлилик муддатини белгилаш ва осмолярлигини аниқлаш ҳамда корхона шароитида сифатни таъминлаш тизими билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида давлат фармакопеясига киритилган хроматографик (ЮССХ), абсорбцион спектрофотометрик (алангали ААС ва АЭС), поляриметрик, кимёвий (титриметрик) усуллари қўлланилган. Ишлаб чиқилган услубларни ишончилигини тасдиқлаш учун ICH Topic Q2 (R1) (Validation of Analytical Procedures: Text and Methodology) тавсияларига мувофиқ аналитик таҳлил

жараёнлари валидация қилинган. Ишлаб чиқилган ЮССХ услубини қўллаш жараёнида атроф-муҳитга ва ходимлар саломатлигига бўлган хавфларни баҳолаш учун Analytical GREEness (AGREE) метрик дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор «Орокс» ва «Регидрейд Рух» дори воситалари таркибидаги глюкоза, сорбитол, натрий цитрат дигидрат ва хлоридларни идентификация қилиш ва миқдорини аниқлашнинг умумий, унифицирланган УБ-детекторли ЮССХ услуби ишлаб чиқилган;

«Орокс» ва «Регидрейд Рух» дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг мавжуд таҳлил услублари ва ишлаб чиқилган ЮССХ услуби натижалари қиёсий таҳлил қилиниб, муқобил услуб сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

«Орокс» ва «Регидрейд Рух» дори воситалари таркибидаги натрий ва калий ионларини алангали ААС, АЭС усуллари ёрдамида миқдорий таҳлил услублари такомиллаштирилган ҳамда услубларнинг Шухарт назорат карталари ёрдамида барқарорлиги исботланган;

«Орокс» ва «Регидрейд Рух» дори воситалари таркибидаги фаол моддаларни сифатини назорат қилишнинг аналитик таҳлил услубларини валидацион кўрсаткичлар хусусийлиги, чизиқлилиги, тўғрилиги, такрорланувчанлиги бўйича ишончилилик даражаси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Орокс» ва «Регидрейд Рух» дори воситалари таркибидаги фаол моддаларни таҳлил қилишнинг умумий, унифицирланган услублари ишлаб чиқилган, валидациялаш ёрдамида услубнинг ишончилиги исботланган шунингдек, сифатини назорат қилишнинг ишлаб чиқилган ва тасдиқланган услублар билан дори воситаларининг сифатини дастлабки, оралик ва якуний назорат қилишда фойдаланиш имконияти белгиланган;

электролитлар сақлаган мураккаб таркибли регидратацион эритмаларнинг осмолярлиги криоскопик ва график усулларда, яроқлилиқ муддатлари табиий сақлаш ва «тезлаштирилган эскиртириш» усуллари ёрдамида аниқланиб белгиланган;

«Орокс» дори воситасини тиббиётда қўллаш ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш мақсадида меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган натижаларнинг ишончилилик даражаси замонавий математик статистик таҳлил усуллар, физик-қимёвий, клиникагача бўлган фармакологик текширувлар асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида апробациядан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп компонентли сув-туз ҳамда кислота-ишқор мувозанатини таъминловчи тайёр эритмалар ишлаб чиқарилишида сифатни таъминлаш методологиясини такомиллаштиришга комплекс ёндашиш ҳамда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош ичиш учун мўлжалланган регидратацион эритмаларини стандартлаштиришнинг замонавий таҳлил услубларини ишлаб

чиқишни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий ишлаб чиқарувчи «OKS MASSAGET» МЧЖ корхонасида «Орокс» ичиш учун мўлжалланган эритмалари серияли ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилганлиги ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқилганлиги ҳамда ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари ҳавфсизлиги маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланганлиги, тиббиёт амалиётида қўллашга жорий этилганлиги, «Регидрейд Рух» дори воситасини ишлаб чиқаришда таклиф этилган сифатни таъминлаш комплекс чора-тадбирлар натижалари «Samarkand-England Eco Medical» ҚК МЧЖ амалиётига жорий этилганлиги билан изоҳланади. Бу эса маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариладиган регидратацион таъсирга эга импорт ўрнини босувчи дори воситаларини ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диареяда қўлланилдиغان мураккаб таркибли дори воситаларини стандартлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Орокс» ичиш учун мўлжалланган 250/500 мл эритмаси учун корхона фармакопоя мақоласи (КФМ 42 У3-29399767-4169-2020) ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари ҳавфсизлиги маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланган ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (DV/M 03459/09/20-сонли гувоҳнома). Натижада «OKS MASSAGET» МЧЖ корхонаси томонидан диареяда организмда сув-туз ҳамда кислота-ишқор мувозанатини таъминловчи янги маҳаллий дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган;

«Кўп компонентли препарат - регидратация таъсирга эга бўлган эритманинг фаол фармацевтик дори моддалари миқдорини аниқлаш усули»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинган (№FAP 2551, 02.08.2024 й.). Натижада, ушбу таъсирга эга дори воситалари таркибидаги асосий фаол субстанцияларнинг миқдорини умумий, бир босқичли услубда аниқлаш имконини берган;

ўтказилган клиник олди синовлар натижасида «Орокс» ичиш учун мўлжалланган 250/500 мл эритмасининг специфик фармакологик фаоллиги ва безарарлиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ишончли регидратацион таъсирга эга ва безарар дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, ЎзР Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун асосий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 5 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлаништиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Мураккаб таркибли орал регидратацион дори воситаларини замонавий ҳолати ва сифатини таъминлашга оид муаммоларни ўрганиш»** деб номланган бўлиб, дори воситаларининг сифатини таъминлаш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини таҳлил қилиш, уларнинг сифатини таъминлаш учун илмий ва услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимлигини акс эттирувчи маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили, шунингдек, осмолярликни мураккаб таркибли тузли эритмалар сифатига таъсирини ўрганишга бағишланган. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорини ўрганиш натижалари, шунингдек, сув-электролитлар, кислота-асос мувозанатларини тиклашга таъсир этувчи дори воситаларини ишлаб чиқиш самарадорлиги ва сифатини ошириш зарурлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Материаллар, объектлар ва таҳлил усуллари»** деб номланган иккинчи бобида стандарт намуналар, дори субстанциялари, тадқиқотларда ишлатиладиган кимёвий ва фармацевтика таҳлиллари учун асбоб-ускуналар рўйхати акс этирилган, шунингдек материаллар, усуллар ва тадқиқот объектлари келтирилган.

Учинчи боб **««Орокс» дори воситасини сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллариини ишлаб чиқиш»** деб номланиб, унда янги инструментал усуллардан фойдаланган ҳолда «Орокс» дори воситаси таркибидаги фаол моддаларни чинлиги ва миқдорини аниқлаш натижалари, шунингдек, ишлаб чиқилган услубларнинг «яшил»лик даражаси ва назорат карталари ёрдамида шарҳлаш ва аналитик таҳлил усуллариини валидациялаш натижалари келтирилган.


«Орокс» дори воситаси таркибидаги фаол моддаларни (сорбитол-0,1мг, натрий хлор-2,6мг, калий хлор-1,5мг, натрий цитрат дигидрат-2,9мг) чинлигини умумий функционал гуруҳларига хос кимёвий реакциялар ва миқдори замонавий таҳлил усуллари ёрдамида аниқланди.

Сорбитол ва хлоридлар миқдори титриметрик, хусусан, сорбитол йодометрик, хлоридлар аргентометрик усулларда аниқланди. Дори воситаси таркибидаги сорбитол ва хлоридларни миқдори титриметрик усулда аниқланганда миқдори ўртача, мос равишда 0,0999 мг/мл ва 2,5145 мг/мл ташкил

этди. Услугбинг ўртача нисбий ҳатолиги, мос равишда, 1,5% ва 1,35% ни ташкил этди. Олинган қийматлар рухсат этилган оралиқда жойлашган ($\leq 2\%$).

«Орокс» дори воситаси таркибидаги сорбитол, натрий цитрат дигидрат ва хлоридларни миқдорини бир босқичда аниқлашнинг ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Таҳлиллар «LC-20, Shimadzu, Япония» хроматограф ускунасида қуйидаги хроматографик шароитда олиб борилди: хроматографик колонка: ShimPack SCR-102(H), 8,0 ммх300 мм, 7 μ м. Қўзғалувчан фаза сифатида ортофосфат кислотасининг 0,1% ли эритмаси фойдаланилди. Оқим тезлиги 0,6мл/дақ ташкил қилди. Колонка ҳарорати 40⁰С этиб белгиланди. Юбориш ҳажми 10мкл. УФ детектор тўлқин узунлиги 200 нм этиб белгиланди. Ишчи стандарт намуналар (ИСН) ва текширилувчи эритмалар хроматографияланди. Ушланиш вақти сорбитол учун 12,96; натрий цитрат дигидрат учун 11,26; хлорид ионлари учун 9,16 дақиқани ташкил этди.

Олинган хроматограммалар қуйидаги 1-расмда келтирилди.



1-расм. Сорбитол, натрий цитрат дигидрат ва хлорид ионидан иборат ишчи стандарт намунанинг (А) ва «Орокс» дори воситаси эритмасининг (Б) хроматограммалари

ЮССХ усули ёрдамида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида услубнинг метрологик хусусиятлари ўрганилди.

Таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

«Орокс» дори воситаси таркибидаги сорбитол, натрий цитрат дигидрат ва хлоридларни миқдорини баҳолаш усулининг метрологик тавсифи

Миқдори, мг/мл	Миқдор чегараси, мг/мл	$X_{\text{ўрт}}$	f	S^2	$\Delta\bar{x}$, %	$\epsilon_{\text{ўрт}}$, %
Сорбитол						
0,1	0,08-0,12	0,096	4	0,0013	0,0016%	1,4%
Натрий цитрат дигидрат						
2,9	2,6-3,2	2,92	4	0,0044	0,005%	0,1%
Хлоридлар						
2,29	2,25-2,75	2,50	4	0,018	0,022%	0,9%

Юқоридаги 1-жадвалда келтирилган натижалар, ЮССХ усули ёрдамида «Орокс» дори воситаси таркибидаги сорбитол, натрий цитрат дигидрат ва хлоридларнинг ўртача миқдори, мос равишда, 0,096мг/мл, 2,92мг/мл, 2,21мг/мл ташкил этди. Услугбинг ўртача нисбий ҳатолиги, мос равишда, 1,4%, 0,1%, 0,9% эканлиги аниқланди. Олинган натижалар рухсат этилган

ораликда жойлашган.

Таклиф этилган услублар «яшил»ликни баҳолаш дастури, яъни энг сўнгги Аналитик GREENness кўрсаткичи ёрдамида баҳоланди. ЮССХ усули ёрдамида сорбитол, натрий цитрат дигидрат ва хлоридларни бир вақтда чинлиги ва миқдорини аниқлаш учун ишлаб чиқилган услубнинг атроф муҳитга хавфсизлик даражаси аниқланди (2-расм).



2-расм. Ишлаб чиқилган ЮССХ усулини AGREE дастури ёрдамида «яшил»лигини баҳолаш пиктограммаси
Услубнинг «яшил»лик даражаси 0,67 ташкил этди (кўрсаткич қанчалик 1 га яқин бўлса яъни, 0,50 юқори бўлса усул «яшил» ҳисобланади) ва сифат назорати жараёнида қўллашга тавсия

этилди.

«Орокс» дори воситаси таркибидаги сорбитол, натрий цитрат дигидрат ва хлоридлар миқдорини титриметрик усул (МХ бўйича) ва ЮССХ усули (муқобил) ёрдамида миқдорини аниқлаш натижалари асосида бир омилли дисперсион таҳлил ўтказилди. Усуллар орасида ва усуллар ичида дисперсион таҳлил билан Фишер мезони (F) ҳисобланди (сорбитол–1,18; хлоридлар–0,3; натрий цитрат дигидрат–2,1) ва жадвалдаги $F_{\text{жад.}}$ (0,05;1;8;5,31) қийматлари билан солиштирилди. Фишер мезонининг ҳисобланган F қиймати билан жадвалдаги қийматлари $F_{\text{таж.}} < F_{\text{жад.}}$ таққосланиши натижасида ҳар икки услубларни қийматдорликлари аниқланди.

ААС ва ААЭ усуллар ёрдамида «Орокс» ичиш учун мўлжалланган эритмаси, 250мл/500мл, таркибидаги натрий (Na^+) ва калий (K^+) ионларининг миқдорини ICE 3000 русумли атом-абсорбцион спектрометрида (эмиссия режимида) Na^+ –589 нм, K^+ –768 нм тўлқин узунликларида эмиссия сигнали ўлчаш орқали аниқлаш услуби ишлаб чиқилди.

Натижалар 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал


Таҳлил натижалари ва услубнинг метрологик тавсифи

Миқдор чегараси, мг/мл	$X_{\text{ўрт}}$	f	S^2	$\Delta\bar{x}$, %	$\varepsilon_{\text{ўрт}}$, %
Натрий иони (Na^+)					
1,75-2,13	0,1948	4	0,000001	0,002%	1,08%
Калий иони (K^+)					
0,66-0,90	0,6876	4	0,00005	0,009%	1,3%

2-жадвалда келтирилган маълумотлар «Орокс» дори воситаси таркибидаги натрий ва калий ионлари миқдори, мос равишда, 0,1948 мг/мл ва 0,9876 мг/мл, ушбу услубнинг статистик тавсифига кўра ўртача нисбий хатолиги $\pm 1,08\%$ ва $\pm 1,3\%$ ташкил этди.

GMP талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини шарҳлаш, ўрганилаётган объектларнинг таҳлил усулларининг ишчи параметрларини сифатини баҳолаш учун Шухарт назорат карталарини тузиш усулидан фойдаланилди.

Юқори ва қуйи чегаралар қийматлари асосида Na^+ ва K^+ ионларига нисбатан тузилган чизмалар 3-расмда келтирилган.



3-расм. «Орокс» дори воситаси таркибидаги натрий ва калий ионлари учун X ва R карталарининг график чизмалари

Чизмаларда келтирилган маълумотлар ўрганилаётган объектлар фаол моддаларининг қийматлари назорат чегаралари тегишли оралиғда жойлашганлигини, бу эса барча кўрсаткичларга мослигини, миқдорий таҳлил услубини барқарорлигини ва таҳлил жараёнида ҳалақит берувчи омилларни натижаларга таъсир этмаслигини кўрсатди.

Аналитик усуллар валидацияси ICH Q2(R1) Validation of analytical procedures: text and methodology талабларига мувофиқ амалга оширилди.

Дори воситаси таркибидаги сорбитол, натрий цитрат дигидрат ва хлоридларни миқдорини аниқлашнинг ЮССХ усули учун ишлаб чиқилган услуб валидацияланди. Натижалар 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвал

«Орокс» дори воситаси таркибидаги натрий цитрат дигидрат, хлоридлар ва сорбитолни ЮССХ усули ёрдамида миқдорини аниқлашнинг валидация натижалари

Валидация кўрсаткичлари	Мувофиқлик мезони	Натижалар		
		сорбитол	натрий цитрат дигидрат	хлорид
Хусусийлик	намуна тайёрлашда ишлатиладиган эритувчилар ва реактивлар, плацебони таркиби натижага таъсир этмаслиги ЛОЗИМ	мос келади		
Чизиқлилиқ	корреляция коэффиценти $\geq 0,99$	0,9998	0,9998	0,9999
Такрорланувчанлик	вариация коэффиценти $\leq 2,0\%$ ($n \geq 6$, 1 серия)	1,4	0,1	0,6

Оралик прецизионлик	вариация коэффиценти $\leq 3,0\%$ ($n \geq 6$, 2 серия)	1,47	1,26	1,70
Тўғрилиқ	жавоб омили: ўртача қиймат 97,0 – 103,0%	101,9%	98,7%	98,1%
	вариация коэффиценти $\leq 2,0\%$ ишончлилик оралиғи 100% қийматни ўз ичига олиши керак	0,8	0,2	1,1
		100% ўз ичига олади		
Ишончлилик	1. Чўккининг симметрия коэффиценти 0,8-1,8;	1,25	1,30	1,24
	2. Назарий тарелкалар сони 2000 дан кам бўлмаслиги;	11118	10298	10817
	3. Чўкки майдони учун нисбий стандарт четланиш 2,0% дан ошмаслиги керак.	0,71	0,17	0,30

Аналитик услубнинг валидацияси олиб борилган изланишлар ва уларнинг натижалари ишончлилигини исботлади ҳамда ишлаб чиқилган услублар маҳсулотнинг кириш, оралик ҳамда якуний назорат қилишда қўллаш имконини берди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**«Регидрейд Рух» дори воситасини сифатини назорат қилиш ва стандартлаш услубларини ишлаб чиқиш»** деб номланган.

«Регидрейд Рух» дори воситасининг таркиби қуйидагича: глюкоза–13,5 мг, натрий хлорид–2,6 мг, калий хлорид–1,5 мг, натрий цитрат дигидрат–2,9 мг, рух сульфат моногидрат–0,055 мг, инъекция учун сув–1 мл гача.

«Регидрейд Рух» дори воситаси таркибидаги натрий цитрат дигидрат, хлоридлар ва рух сульфат дори моддаларини миқдори анъанавий титриметрик усуллари ёрдамида аниқланди.


Олинган натижаларга кўра, дори воситаси таркибидаги натрий цитрат дигидрат, хлоридлар ва рух сульфатларнинг миқдори ўртача мос равишда, 2,8 мг/мл, 2,66 мг/мл ва 0,0494 мг/мл ташкил этди. Миқдорий таҳлил услубининг ўртача нисбий ҳатолиги, мос равишда, 0,56%, 1,2% ва 2,8% ташкил этди.

«Регидрейд Рух» дори воситаси таркибидаги глюкозанинг миқдори поляриметрик усули ёрдамида аниқланди. Параллел равишда текширилувчи ва назорат эритмаларининг буриш бурчаклари ўлчанди, уларнинг фарқи дори воситаси таркибидаги глюкозанинг буриш бурчаги сифатида ҳисобланди. Тадқиқот натижалар асосида дори воситаси таркибидаги глюкозанинг миқдори 13,6 мг/мл эканлиги аниқланди ва усулининг метрологик тавсифи асосида ўртача нисбий ҳатолиги 0,63% ташкил этди.


ЮССХ усули ёрдамида «Регидрейд Рух» дори воситаси таркибидаги глюкоза, натрий цитрат дигидрат ва хлоридларни миқдорини аниқлаш учун унифицирланган бир босқичли янги таҳлил услуби учун зарур бўлган эритма намуналари тайёрланди. ЮССХ усули ёрдамида, «LC-20, Shimadzu» хроматограф ускунасида дори воситаси таркибидаги глюкоза, натрий цитрат дигидрат ва хлорид ионлари миқдорини аниқлаш қуйидаги хроматографик шароитда олиб

борилди: хроматографик колонка: ShimPack SCR-102(H), 8,0 мм х 300 мм, 7 μм. Кўзгалувчан фаза: ортофосфат кислотасининг 0,1% эритмаси ёки 0,1% ли перхлорат кислота. Оқим тезлиги 0,6 мл/дақ, колонка ҳарорати 50°C, юбориш ҳажми 10 мкл, УФ детектор 195 нм, ушланиш вақти глюкоза учун 12,7; натрий цитрат дигидрат учун 11,7; хлорид ионлари учун 9,6 дақиқани ташкил этди.

ИСН ва текширилувчи эритмалар хроматографияланди. Олинган хроматограммалар қуйидаги 4-5-расмларда келтирилган.



4-расм. Хлорид ионлари ва натрий цитрат дигидрат стандарт намуна эритмасининг хроматограммалари



5-расм. Глюкоза стандарт намуна ва «Регидрейд Рух» текширилувчи эритмасининг хроматограммалари

Юқоридаги шароитда текшириляётган дори моддаларини ушланиш вақтлари хлоридлар учун–9,634 дақ., натрий цитрат дигидрат–11,708 дақ., глюкоза–12,701 дақиқани ташкил этди. Бу эса хроматографик таҳлилни қисқа вақт ичида дори моддаларнинг тегишли чўққиларини тўлиқ ажралишига эришилганлигини кўрсатади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида усулнинг метрологик хусусиятлари ўрганилди (4-жадвал).

4-жадвал

«Регидрейд Рух» дори воситаси таркибидаги глюкоза, натрий цитрат дигидрат ва хлоридларни миқдорини баҳолаш усулининг метрологик тавсифи

Миқдори, мг/мл	Миқдорий чегараси, мг/мл	$X_{\text{ўрт}}$	f	S^2	$\Delta \bar{x}$, %	$\epsilon_{\text{ўрт}}$, %
Глюкоза						
13,5	12,5-14,5	13,69	4	0,06	0,08%	0,4%
Натрий цитрат дигидрат						
2,9	2,6-3,2	2,89	4	0,008	0,01%	0,3%
Хлоридлар						
2,68	2,27-3,08	2,69	4	0,004	0,005%	0,1%

Юқоридаги 4-жадвалда келтирилган натижалар, «Регидрейд Рух» дори воситаси таркибидаги глюкоза, натрий цитрат дигидрат ва хлоридларнинг ўртача миқдори, мос равишда, 13,69 мг/мл, 2,89 мг/мл ва 2,69 мг/мл ташкил этди. Услубнинг ўртача нисбий хатолиги 0,4%, 0,3% ва 0,1% эканлиги аниқланди.

Таклиф этилган ЮССХ услубининг «яшил»лигини баҳолаш дастури, яъни энг сўнгги AGREE ёрдамида баҳоланди.



6-расм. Ишлаб чиқилган ЮССХ услубини AGREE дастури ёрдамида «яшил»лигини баҳолаш пиктограммаси

Глюкоза, натрий цитрат дигидрат ва хлоридларни бир вақтда чинлиги ва миқдорини аниқлаш учун ишлаб чиқилган услуб атроф-муҳитга хавфсизлиги исботланди ва услубнинг «яшил»лик даражаси 0,68 ташкил этди ҳамда сифат назорати жараёнида қўллашга тавсия этилди.

«Регидрейд Рух» таркибидаги ионларни аниқлашда AA500 русумли, (PG–instruments, Буюк Британия) атом–абсорбцион спектрофотометр (эмиссия режимида) ускунасидан фойдаланилди ва таҳлил қуйидаги шароитларда олиб борилди: тўлқин узунлиги: Na⁺–589,0 нм, K⁺–768 нм. Атомизатор: аланга (хаво-ацетилен). Аниқланаётган элементлар учун мос келувчи тўлқин узунлигида эмиссия сигнали ўлчанди ва миқдори аниқланди.

Олинган натижаларнинг метрологик тавсифи 5-жадвалда келтирилди.


5-жадвал



Таҳлил натижалари ва услубнинг метрологик тавсифи

Миқдор чегараси, мг/мл	X _{ўрт}	f	S ²	Δx̄, %	ε _{ўрт} ,%
Натрий иони (Na ⁺)					
1,448-1,959	1,7790	4	0,06	0,03%	0,1%
Калий иони (K ⁺)					
0,6679-0,9036	0,7865	4	0,004	0,02%	0,05%

5-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, «Регидрейд Рух» дори воситаси таркибидаги натрий ва калий ионлари миқдори, мос равишда, 1,7790 мг/мл ва 0,7865 мг/мл, олинган таҳлил натижаларнинг статистик тавсифи бўйича натижаларнинг ўртача нисбий хатоликлари мос равишда, 0,1% ва 0,05% ташкил этганлигини кўрсатди.

«Регидрейд Рух» дори воситаси сифатини шарҳлашда қўлланилган Шухарт карталари натижалари ҳамда юқори ва қуйи чегаралар қийматлари асосида регидратацион эритма таркибидаги Na⁺ ва K⁺ ионларига нисбатан тузилган чизмалар 7-расмда келтирилган.





7-расм. «Регидрейд рух» дори воситаси таркибидаги натрий ва калий ионлари учун X ва R карталарининг график чизмаси

Юқоридаги чизмаларда келтирилган маълумотлар, X мос қийматлар ва R ўзгарувчан оралиқ қийматлари юқори ва қуйи чегаралар оралиғида жойлашганлиги, бу эса барча кўрсаткичларга мослигини, миқдорий таҳлил услубини барқарорлигини ва таҳлил жараёнида ҳалақит берувчи омилларни натижаларга таъсир этмаслигини кўрсатди.

«Регидрейд рух» дори воситаси таркибидаги глюкоза, натрий цитрат дигидрат ва хлорид ионларининг миқдорий таҳлили учун ишлаб чиқилган ЮССХ услубининг валидацион кўрсаткичлари ва уларнинг натижалари б-жадвалда келтирилган.

б-жадвал

«Регидрейд рух» дори воситаси таркибидаги натрий цитрат дигидрат, хлоридлар ва глюкозани ЮССХ усули ёрдамида миқдорини аниқлашнинг валидация натижалари

Валидация кўрсаткичлари	Мувофиқлик мезони	Натижалар		
		глюкоза	натрий цитрат дигидрат	хлорид
Хусусийлик	намуна тайёрлашда ишлатиладиган эритувчилар ва реактивлар, плацебони таркиби натижага таъсир этмаслиги лозим	мос келади	мос келади	мос келади
Чизиқлилиқ	корреляция коэффиценти $\geq 0,99$	0,9992	0,9995	0,9992
Такрорланувчанлик	вариация коэффиценти $\leq 2,0\%$ ($n \geq 6$, 1 серия)	0,4	0,3	0,1
Оралиқ прецизионлик	вариация коэффиценти $\leq 3,0\%$ ($n \geq 6$, 2 серия)	1,02	0,98	0,63
Тўғрилиқ	жавоб омили: ўртача қиймат 97,0 – 103,0%.	100,4%	98,7%	100,1%
	вариация коэффиценти $\leq 2,0\%$ ишончилиқ оралиғи 100% қийматни ўз ичига олиши зарур	0,7	0,4	1,8
Ишончилиқ	1. Чўққининг симметрия коэффиценти 0,8-1,8; 2. Назарий тарелкалар сони 2000 кам бўлмаслиги; 3. Чўққи майдони учун нисбий стандарт четланиш 2,0% дан ошмаслиги керак.	1,31	1,33	1,10
		11231	10180	8867
		0,52	1,63	0,13

6-жадвалда келтирилган валидацион кўрсаткичларининг натижалари талаб этилган меъёр чегарасида эканлиги, ишлаб чиқилган унифицирланган ЮССХ услуги маҳсулотнинг кириш, оралик ҳамда якуний назорат қилишда қўллаш мумкинлигидан далолат берди. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнида вақтни тежашга ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берган.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Мураккаб таркибли электролитлар сақлаган эритмаларнинг осмолярлиги ва яроқлилик муддатини аниқлаш**» деб номланган.

Баъзи дори турлари учун осмолярлик ва осмолярлик муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Тажрибалар давомида электролитлар сақлаган тузли эритмаларнинг осмолярлигини натрий ионлари концентрациясига боғлиқлиги ҳам ўрганилди. Бунинг учун «OKS MASSAGET» МЧЖ корхонаси ва «Samarkand-England Eco Medical» ҚК МЧЖ қуйидаги 7-жадвалда келтирилган дори воситаларидан фойдаланилди.

7-жадвал

Электролитлар сақлаган тузли эритмаларнинг назарий ва амалий осмолярлик қийматлари


Эритмалар	Натрий ионларининг концентрациялари, ммоль/л		Осмолярлик, мОсмол/л	
	номинал	тажриба	амалий	назарий
Орокс, ичиш учун	75	72	171	170
Ацесол	100	95	220	226
Дисоль-СИИМ	117	115	227	227
Рингер лактат	131	130	277	282
Стерофун-СИИМ	140	136	289	301
Рингер-СИИМ	147	143	290	303
Натрий хлор, 0,9%	154	152	295	308

7-жадвалдан кўришиб турибдики, дори воситалари таркибидаги натрий ионининг моляр концентрацияси ортиши билан осмолярлиги ҳам ортиб бормоқда. Электролитлар сақлаган тузли эритмаларнинг осмолярлигини натрий ионлари концентрациясига боғлиқлик чизмалари тузилди.

Натижалар 8-10-расмларда келтирилган.



8-расм. Натрий ионининг номинал концентрациясини назарий осмолярлигига чизиқли боғлиқлиги



9-расм. Натрий ионининг амалдаги концентрациясини амалий осмолярлигига чизиқли боғлиқлиги



10-расм. Натрий ионларининг концентрациясининг осмолярлигига боғлиқлик чизмаси

Юқоридаги келтирилган 8-10-расмларда чизиқли боғлиқлик графигида аппроксимация R^2 кўрсаткичи усулнинг ишончлилигини белгилаб берганлигини кўриш мумкин. 9-расмдаги чизмага кўра, натрий ионларининг концентрацияси ортиб борган сари назарий ва амалий ҳисобланган осмолярликларнинг орасидаги фарқ камайиб борган. Турли усулларни солиштирган ҳолда, «Орокс» дори воситасининг осмолярлик кўрсаткичлари аниқланди: назарий–170,1; тажриба (амалий)–169±1,5; ҳисоблаш-график–170±0,9. «Орокс» дори воситасининг ҳисоблаш-график ва тажрибада олинган осмолярлик қийматлари орасидаги фарқ 0,3% ташкил этган.

«Орокс» ва «Регидрейд Рух» дори воситаларининг барқарорлигини ўрганиш ва яроқлилик муддатини аниқлаш ICH Q1A(R2) Stability Testing of New Drug Substances and Products талаблари бўйича ўтказилди. Ушбу қўлланмага асосан ўрганилаётган объектларни барқарорлигини икки хил шароитда ўтказилди: табиий шароитда узок муддатли сақлаш (25±2°C ва 60±5% нисбий намлик) ва «тезлаштирилган эскиртириш» усули (40±2°C ва 75±5% нисбий намлик). Тадқиқотлар 3 та серияда «Регидрейд Рух» (9020421, 9020422, 9020423) ва «Орокс» (0010220, 0020220, 00230220) ичиш учун мўлжалланган эритма дори воситаларининг спецификациясида келтирилган кўрсаткичларни текшириш бўйича, табиий шароитда 2 йил сақлашга тенг муддат оралиғида (6 ой давомида) ва табиий шароитда 20–25°C хона ҳароратида 6 ойга тенг бўлган мунтазам оралиқларда тажрибалар олиб борилди. Ишлаб чиқилган дори воситаларининг оптимал сақлаш муддатини белгилаш билан боғлиқ амалий масалаларни ҳал қилишга эришилди ва натижада, 25°C юқори бўлмаган ҳароратда 2 йилдан кам бўлмаган муддат белгиланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Дори воситаларини сифатини таъминлаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили натижаларига кўра кўп компонентли эритма шаклидаги маҳаллий регидратацион дори воситаларига талаб юқорилиги, шунингдек, мураккаб таркибли дори воситаларини сифатини назорат қилишда мавжуд физик-кимёвий таҳлил усулларининг замонавий ҳолатини инобатга олиб, ушбу гуруҳ дори воситаларини сифатини таъминлашга оид жараёнларни жорий этиш кераклиги илмий асосланди.

2. Тадқиқот объектлари бўлган «Орокс» ва «Регидрейд Рух» дори воситалари таркибидаги фаол моддаларни стандартлашнинг илмий асосланган ва лаборатория натижалари билан исботланган хроматографик, абсорбцион ва титриметрик усуллар ёрдамида таҳлил услублари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган услубларнинг натижалари бир омилли дисперсион таҳлил ёрдамида солиштирилиб, муқобил услублардан таҳлил қилинган объектларнинг сифатини баҳолашда қўлланилиши мумкинлиги исботланди.

3. «Орокс» ва «Регидрейд Рух» мураккаб таркибли дори воситалари таркибидаги сорбитол, глюкоза, натрий цитрат дигидрат ва хлорид ионларига нисбатан ЮССХ усулининг оптимал шароитлари аниқланиб, умумий унифицирланган сифат назорати таҳлилининг янги услуби ишлаб чиқилди. Ушбу услубнинг «яшил»лик даражаси Analytical GREENness дастури ёрдамида аниқланди (0,67 ва 0,68). Услубнинг атроф-муҳит ва инсон организмига нисбатан хавфсизлиги белгиланди.

4. ААС ва АЭС усуллари ёрдамида «Орокс» ва «Регидрейд Рух» дори воситалари таркибидаги натрий ва калий ионларининг сифат ва миқдорини баҳолаш учун мўътадил услублар ишлаб чиқилди ва валидацияланди. Ишлаб чиқилган услубнинг барқарорлиги Шухарт назорат карталари ёрдамида исботланди.

5. «Орокс» ва «Регидрейд Рух» мураккаб таркибли дори воситалари сифатини баҳолаш учун ишлаб чиқилган таҳлил услублари ICH Topic Q2 (R1) Validation of Analytical Procedures: Text and Methodology стандарти талаблари асосида тўғрилилик, хусусийлик, чизиқлилиқ, қайтарилувчанлик ва ишончилиқ каби кўрсаткичлари асосида валидацияланди.

6. «Орокс» ва «Регидрейд Рух» дори воситаларининг назарий ва амалдаги «осмолярлик» кўрсаткичлари аниқланди, ҳамда барқарорлиги ва яроқлилиқ муддати «тезлаштирилган эскиртириш» ва табиий сақлаш усули бўйича текширилди, натижада, 25°C юқори бўлмаган ҳароратда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда сақлаш мумкинлиги белгиланди. «Орокс» кўп компонентли дори воситаси учун корхона фармакопея мақоласи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланди ва тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Far.32.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХОЛТУРАЕВА ГУЛНОЗА МИРКАМИЛОВНА

**СТАНДАРТИЗАЦИЯ МНОГОКОМПОНЕНТНЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ
СРЕДСТВ ПРИМЕНЯЕМЫХ ПРИ ДИАРЕЕ**

15.00.02- фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.1.PhD/Far93.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Ганиева Хилола Гайратовна
доктор фармацевтических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Юлдашев Закирджан Абидович
доктор фармацевтических наук, профессор

Нуридуллаева Камола Негматиллоевна
доктор фармацевтических наук, доцент

Ведущая организация:

Институт Биоорганической химии имени академика А.С. Садыкова АН РУз

Защита диссертации состоится «10» 12 2025 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 80). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «25» 11 2025 года.
(Реестр протокола рассылки № 80 от «25» 11 2025 г.).



К.С.Ризаев

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.фарм.н.,
профессор

Ф.Ф.Урманова

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.фарм.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным экспертной комиссии Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) по состоянию на 2024 год, диарея занимает третье место среди причин смертности детей в возрасте до 5 лет в мировом масштабе. Ежегодно регистрируется 1,7 миллиарда случаев диареи среди детей, при этом наблюдается более 400 тысяч и 50 тысяч случаев смертности среди детей до 5 лет и от 5 до 9 лет, соответственно. В связи с этим, для предотвращения и лечения обезвоживания организма при диарее широкое использование растворов регидратационных солей, расширение их ассортимента, а также разработка современных, чувствительных, унифицированных методов анализа для стандартизации имеет важное значение.

В настоящее время в мировом масштабе проводятся научные исследования по контролю качества многокомпонентных пероральных регидратационных лекарственных средств, их валидации, сравнению существующих аналитических методов анализа, определению стабильности и сроков хранения многокомпонентных солевых растворов. В этом направлении особое внимание уделяется совершенствованию системы комплексной оценки качества пероральных регидратационных растворов на основе современных физико-химических методов анализа, разработке оптимальных методов анализа активных веществ, входящих в состав этих препаратов, а также определению уровня экологичности («зелёности») новых аналитических методик и исследованиям по обеспечению качества на фармацевтических предприятиях.

В настоящее время в нашей республике особое внимание уделяется инновационному развитию отечественной фармацевтической промышленности, разработке импортозамещающим лекарственным препаратам и определению их качества в соответствии международным нормативным документам, что уже привело к конкретным научным результатам. В пункте 85 Приложения 2 к Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы обозначены важные задачи, такие как «увеличение объёма продукции фармацевтической промышленности в 3 раза и доведение уровня обеспечения местного рынка до 80%»¹. В связи с этим, расширение номенклатуры готовых растворов, обеспечивающих водно-солевой и кислотно-щелочной баланс, использование эффективных методов, таких как, контрольные карты Шухарта в оценке параметров качества методов, а также стандартизация данных лекарственных препаратов в соответствии с требованиями ICH (The International Conference on Harmonization) имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах», № УП-20 от 23 января 2024 года «О дополнительных мерах по регулированию фармацевтической отрасли», в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-411 от 26 октября 2022 года «О дополнительных мерах по обеспечению населения качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения», № ПП-14 от 10 января 2024 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию фармацевтической отрасли и ускорению реализации инвестиционных проектов» и в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Обеспечение качества многокомпонентных солевых растворов в условиях предприятия, их стандартизация и контроль качества, валидация аналитических методов анализа, изучение динамики местного фармацевтического рынка и проведение доклинических испытаний в нашей республике являются важными направлениями научных исследований узбекских учёных, таких как К.А. Убайдуллаев, А.Н. Юнусходжаев, Х.Г. Ганиева, М.У. Асилова, Э.И. Мусабаев, А.Н. Набиев, Э.Р. Касимов, А.Д. Тошпулатова, Р.А. Хусаинов и другие.

В мировом масштабе стоит отметить научные исследования зарубежных учёных, таких как K.N. Kumar, M. El-Mougi, A.S. Zaky, S. Hahn, C.L. Fischer, T. Kaleemullah, L.Y. Luo, N. Simonzadeh, R. Dittakavi, F.P. Pereira, P.M. Deshmukhe, M. Redkar, R. Primaharinastiti, A.M. Gracia-Alegria, A. Rahayu, P.H. Patel, V. Robberstad, O. Fontaine, J.L. Mathew, D.U. Kim, J.H. Lee, Ю.А. Кузьмина, И.А. Емельянова, А.В. Костарной, В.П. Георгиевский, Е.А. Белозерцева, Г.Б. Голубицкий, И.В. Сакаева, О.С. Крамарев, М.К. Бехтерева, Е.Г. Цимбалова, А.Е. Абатурова, Л.Н. Мазанькова, В.Ф. Учайкина в области разработки, совершенствования и валидации технологии пероральных регидратационных солей, изучения современных методов анализа и сроков годности многокомпонентных растворов.

Данная диссертационная работа является первым научным исследованием по обеспечению качества при разработке многокомпонентных лекарственных средств для перорального применения обеспечивающих водно-солевой и кислотно-щелочной баланс, их стандартизации, разработке унифицированных методов анализа компонентов состава, сравнению с существующими методами, а также изучению факторов, влияющих на их стабильность и осмолярность.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института на тему

«Совершенствование методов фармацевтического и токсикологического анализа».

